

Ким даъват қилинса-ю, ижобат қилмаса, ...



13:42 / 09 февраль 1033

?????????? ??????: ??? ?????? ?????? ?????? ??????
?????? ?????? ?????? ?????????????? ?????? ?????? ??????
????? ?????? ???????? ?????? ?????????? ?????????? ??????????
?????????.

Абу Довуднинг ривоятида:

«Ким даъват қилинса-ю, ижобат қилмаса, батаҳқиқ, Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлур. Ким даъват қилинмай туриб кирса, ўғри ҳолида кириб, талончи ҳолида чиқур», дейсилган.

Шарҳ: Ушбу ривоятда чақирилган жойдан қолмаслик ва чақирилмаган жойга бормаслик ҳақида сўз кетмоқда.

Айтилган валиймага бормаслик Аллоҳ таолога ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга осийлиқдир.

Айтилмаган жойга бориш эса ўғрилик ва босқинчилик кабидир. Валиймага даъват қилинмаган одам унга кираётганда худди ўғри каби, бирор кўриб қолмасин, деб писиб-беркиниб киради. Қайтиб чиқаётганда эса худди ғарот қилиб, куч билан бирорнинг нарсасини тортиб олган одамдек, гердайиб, кекириб чиқади. Шунинг учун айтилмаган жойга бормаслик керак.

?????? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ??

?????? ?? ???? ?? ???? ?? : ???? ?? ???? ??

????????? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ??

?????? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ??

????????? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ??

????????? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ??

????????? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ??

????????? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ??

?????? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ??

????????? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ??

????????? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ??

????????? ???? ?? ???? ?? ???? ?? ???? ??

?????? ???? ?????? ??????? ?????? ??????????????

?????? ??????? ?????? ?????? ??????: ??????

????????? ??? ??????????????. ???????

????????????????? ??????????????????.

«Абу Шуъайб исмли бир киши ўзининг қассоб ходимининг олдига келиб:

«Менга беш кишилик таом тайёрлаб қўй, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларида очликни кўрдим», деди.

У таомни тайёрлади. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга одам юбориб, у зотни ва бирга ўтирганларни даъват қилди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб кетаётганларида даъват қилинган пайтларида бўлмаган бир киши ҳам уларга эргашди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эшик олдига етиб келганларида манзил соҳибиға:

«Бизни даъват қилганингда биз билан бўлмаган бир киши бизга эргашиб келди. Агар унга изн берсанг, киради», дедилар.

«Батаҳқиқ, унга изн бердик, кираверсин», деди у».

Термизий ва Икки шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Абу Шуъайб розияллоҳу анхунинг зийракликлари ва Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга меҳрибонликлари. Улуғ кишиларнинг атрофларидағи одамлар ана шундай бўлишлари лозим.
2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа кишилар мулоҳаза қиласидиган даражада оч қолишга дучор бўлган кунларни ҳам бошларидан кечирганликлари.

3. Үйда таом тайёрлаб, оч қолган кишиларни таомлантириш савобли иш эканлиги.

4. Даъват қилинмаган одам валийма бор жойга бормагани маъқул эканлиги, борса ҳам, алоҳида изн сўраб, кейин кириши лозимлиги.

5. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юксак одоблари. Аввало, эргашган одамга «Сен қол», демадилар. Сўнгра Абу Шуъайб розияллоҳу анҳудан чақирилмаган кишига изн беришни сўрадилар.

Ҳар бир мусулмон киши ушбу одобларни эътибор бериб ўрганиши, уларга амал қилиши зарур.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди